

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**323** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик  
хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон  
қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолияти-  
ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 ян-  
вардаги ПҚ–2733-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қила-  
ди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорига асосан:

давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб аталади), шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмаларида мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражаларини бериш, узоқ муддат хизмат қилганлиги учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этилиши;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

ходим бошқа давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи мартаба даражалари учун устамаларни ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун қўшимча ҳақларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш учун иш стажига қўшиб ҳисобланиши;

юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағнинг 5 фоизи, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Қўйидагилар:

республика, ҳудудий (вилоят) ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядлари 1, 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари (лавозим маошига нисбатан фоизларда) 2-иловага мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун қўшиладиган ҳар ойлик устамалар миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларни ташкил этиш шакллари 4-иловага мувофиқ;

давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонлари 5-иловага мувофиқ;

Судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

## 3. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига:

бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўз юридик хизматларини мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ тасдиқланган юридик хизматлар ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонларига мувофиқлаштириш;

юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, юридик хизматлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чораларни амалга ошириш;

ҳар йили кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича ишлар тўғрисида юридик хизматнинг ҳисоботини эшитиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

## 4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари томонидан юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талаб-

ларига риоя этилишининг мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинги олиб борилишини ва таҳлил қилинишини таъминласин;

зарурат бўлганда юридик хизматлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин;

юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатларини белгиланган тартибда бартараф этишга қаратилган чораларни кўрсин.

5. Белгилансинки:

ушбу қарор талаблари давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурий бўлиб, бошқа ташкилотлар учун тавсия тусига эга;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига, унинг аппарати етакчи мутахассисига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун устамалар ва мартаба даражалари учун лавозим маошларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда ва миқдорларда тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига ўз юридик хизматлари ходимларига адлия органлари учун белгиланган узоқ муддат хизмат қилганлиги учун устамаларни ва мартаба даражалари учун лавозим маошларига ҳар ойлик қўшимча ҳақни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М.М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 1 май,  
250-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг  
юридик хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича  
ЛАВОЗИМ РАЗРЯДЛАРИ**

Т/р	Лавозим	Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
1.	Юридик департамент ёки юридик бошқарма бошлиғи	16
2.	Юридик бўлим ёки юридик бюро бошлиғи	14
3.	Бош юрисконсулт	12
4.	Етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ва юрисконсулт	11
5.	Ёрдамчи юрисконсулт	9

Изоҳ:

1. Қонун ҳужжатларида республика даражасидаги айрим давлат органлари ва ташкилотлари учун юридик хизмат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ушбу иловада белгиланган разрядлардан юқорироқ разрядлари белгиланган тақдирда, меҳнатга ҳақ юқори белгиланган разрядлар бўйича тўланади.

2. Битта штат бирлигидан иборат республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари юридик бўлим бошлиғи учун белгиланган даражада белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
1а-ИЛОВА

**Худудий(вилоят) даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати  
ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича  
ЛАВОЗИМ РАЗРЯДЛАРИ**

Т/р	Лавозимнинг номи	Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди худудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари			
		гуруҳдан ташқари	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
1.	Юридик бўлим ёки юридик бюро бошлиғи	14	13	12	11
2.	Бош юрисконсулт	12	11	10	9
3.	Етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ва юрисконсулт	11	10	9	8
4.	Ёрдамчи юрисконсулт	9	8	7	6

Изоҳ:

1. Қонун ҳужжатларида худудий (вилоят) даражасидаги айрим давлат органлари ва ташкилотлари учун юридик хизмат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ушбу иловада белгиланган разрядлардан юқорироқ разрядлари белгиланган тақдирда, меҳнатга ҳақ юқори белгиланган разрядлар бўйича тўланади.
2. Битта штат бирлигидан иборат худудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бош юрисконсулт учун белгиланган даражада белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
16-ИЛОВА

**Туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг  
юридик хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича  
ЛАВОЗИМ РАЗРЯДЛАРИ**

Т/р	Лавозимнинг номи	Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	
		Туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларида	
		1-гурӯҳ	2-гурӯҳ
1.	Бош юрисконсулт	9	8
2.	Етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт	8	7
3.	Юрисконсултнинг ёрдамчиси	7	6

Изоҳ:

1. Қонун ҳужжатларида туман (шаҳар) даражасидаги айрим давлат органлари ва ташкилотлари учун юридик хизмат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ушбу иловада белгиланган разрядлардан юқорироқ разрядлари белгиланган тақдирда, меҳнатга ҳақ юқори белгиланган разрядлар бўйича тўланади.

2. Битта штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бош юрисконсулт учун белгиланган даражада белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг  
мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат  
қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устамалар миқдорлари  
(лавозим маошига нисбатан фоизларда)**

Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи:

2 йилдан 5 йилгача бўлганда	— 5%
5 йилдан 10 йилгача бўлганда	— 10%
10 йилдан 15 йилгача бўлганда	— 15%
15 йилдан 20 йилгача бўлганда	— 20%
20 йилдан 25 йилгача бўлганда	— 25%

Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажы:  
25 йилдан ортиқ бўлганда

— 30%

Изоҳ:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига ушбу илова билан белгиланган узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик устамалар миқдорлари тизимида ҳарбий ва махсус унвонлар (малака тоифалари, дипломатик даража ва бошқалар) беришнинг бошқача тартиби амал қиладиган алоҳида давлат органларига татбиқ қилинмайди.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устамаларни ҳисоблашда, уларнинг адлия органлари ва муассасаларидаги фаолиятининг, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат ходими сифатида ишлаган барча даври ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари  
ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун  
қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорлари**

Номи	Лавозим маошларига фоизларда қўшимча ҳақ миқдори
3-даражали юрист	15
2-даражали юрист	16
1-даражали юрист	16
3-даражали адлия маслаҳатчиси	17
2-даражали адлия маслаҳатчиси	17
1-даражали адлия маслаҳатчиси	18

Изоҳ: Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг лавозим маошларига ушбу илова билан белгиланган мартаба даражалари учун қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорлари тизимида ҳарбий ва махсус унвонлар (малака тоифалари, дипломатик даража ва бошқалар) беришнинг бошқача тартиби амал қиладиган алоҳида давлат органларига татбиқ қилинмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини  
ташкил этиш шакллари**

<b>Т/р</b>	<b>Юридик хизматнинг номи</b>	<b>Белгиланган штатлар миқдори</b>
1.	Юридик департамент	8 ва ундан ортиқ
2.	Юридик бошқарма	5 — 7
3.	Юридик бўлим	3-4
4.	Юридик бюро	2
5.	Бош, етакчи, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт	1



Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
5-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини ташкил этишининг  
МИНИМАЛ НОРМАТИВЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ  
I. Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари

республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари	Мавжуд штат бирликлари		Йиллик кўрсаткич				Ҳар бир устун бўйича ҳисобланадиган коэффициент миқдори	Юридик хизматларнинг минимал штат бирликлари сони
	ҳудудий (виллоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари	туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларида	тузилмадаги алоҳида ташкилотлар сони	ишлаб чиқилган ва экспертизадан ўтказилган норматив-ҳужжат лойиҳалари	қабул қилинган буйруқ, фармойиш, шартнома ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатлар	давлат органлари ва ташкилотлари иштирокидagi қилди суд жараёнлари		
50 тагача	140 тагача	193 тагача	28 тагача	50 тагача	50 тагача	50 тагача	0,12	1
50 — 100	140 — 170	193 — 386	28 — 56	50 — 100	50 — 100	50 — 100	0,25	2
100 — 200	170 — 200	386 — 579	56 — 84	100 — 200	100 — 200	100 — 200	0,38	3
200 — 400	200 — 230	579 — 772	84 — 112	200 — 300	1500 — 2000	200 — 300	0,63	5
400 та дан ортиқ	230 та дан ортиқ	772 та дан ортиқ	112 та дан ортиқ	300 та дан ортиқ	2000 та дан ортиқ	300 та дан ортиқ	1,00	8

II. Ҳудудий(виллоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари

ҳудудий даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари	Мавжуд штат бирликлари		Тузилмадаги алоҳида ташкилотлар сони	Йиллик кўрсаткич				Ҳар бир устун учун ҳисобланадиган коэффициент миқдори	Юридик хизматларнинг белгиланадиган минимал штат бирликлари сони
	туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари	республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларида		қабул қилинган юридик ҳужжатлар, буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар	давлат органи ва ташкилоти иштирокидаги суд жараёнлари	давлат органлари ва ташкилотларининг қарор бериш мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан тушган шикоятлар	давлат органларининг қарор бериш мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан тушган шикоятлар		
50 тагача	50 тагача	14 тагача	14 тагача	50 тагача	50 тагача	50 тагача	0,08	0,5	
50 — 75	50 — 100	14-28	14-28	50 — 100	50 — 100	50 — 100	0,17	1	
75 — 100	100 — 150	28-42	28-42	100 — 200	100 — 200	100 — 150	0,34	2	
100 та дан ортиқ	150 та дан ортиқ	42 та дан ортиқ	42 та дан ортиқ	1500 та дан ортиқ	200 та дан ортиқ	150 та дан ортиқ	0,50	3	

III. Туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари\*

Туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларидаги маъжуд штат birlikлари	Тузилмадаги алоҳида ташкилотлар сони	Бир йиллик кўрсаткич			Ҳар бир устун учун ҳисобланадиган коэффициент миқдори	Юридик хизматларнинг минимал штат birlikлари
		қабул қилинган юридик ҳужжатлар, буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар	давлат органлари ва ташкилотлари иштирокидаги суд жарайлари	давлат органлари ва ташкилотларнинг қарори ёки улар мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан тушган шикоятлар		
40 тагача	5 тагача	500 тагача	50 тагача	50 тагача	0,10	0,5
40 та дан ортиқ	5 та дан ортиқ	500 та дан ортиқ	50 та дан ортиқ	50 та дан ортиқ	0,20	1

\* Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ва тиббиёт бирлашмаларининг юридик хизматлари ходимлари туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ва тиббиёт бирлашмалари тизимида кирувчи ташкилотларга юридик хизматлар кўрсатади.

Кўрсатилган нормативлар ва мезонлар туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ва тиббиёт бирлашмалари тизимида кирувчи бюджет муассасаларига таъбиқ қилинмайди.

Изоҳ:

1. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари минимал штат birlikлари ушбу жадвалда кўрсатилган коэффициентларни кўшиш орқали аниқланади.

Бунда ҳосил бўлган сон 0,50 дан (1,50, 2,55 ва ҳоказо) ортиқ бўлганда ушбу сон 1 гача, 0,25 (1,26, 2,27 ва ҳоказо)дан ортиқ бўлганда ушбу сон 0,50 гача яхлитланади, агар 0,25 дан (1,23, 2,24 ва ҳоказо) паст бўлса (0,25 нинг ўзи ҳам) ҳисобга олинмайди.

Давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар ташкил этишининг минимал нормативларини ҳисоблаш бўйича шартли мисол:

Масалан: ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органи ёки ташкилотда 80 киши ишлайди. Ушбу ташкилотнинг туман (шаҳар)лар даражасидаги тузилмалари сони 13 тани ташкил этиб, уларда 160 киши ишлайди. 1 йилда ўртача 1200 тагача буйруқ, фармойиш, шартнома ва юридик ҳусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади. Шунингдек, 195 та суд мажлисларида иштирок этилади. Давлат органи ва ташкилотининг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан тушган шикоятлар сони йилга ўртача 150 тани ташкил этади. Бунда:  $0,34 + 0,08 + 0,50 + 0,34 + 0,34 + 0,50 = 2,1$ . Яъни ушбу ташкилотда юридик хизмат учун белгиланадиган минимал штат birlikлари сони 2 тани ташкил этади.

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида 2 тадан, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларида 1 тадан юридик хизмат учун минимал штат birlikлари белгиланади.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзларининг юридик хизматлари учун ушбу минимал нормативлар ва мезонларда назарда тутилганидан кўпроқ штат birlikларини белгилаши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти  
фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган  
маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини  
мукофотлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб аталади) юридик хизматларига нисбатан татбиқ этилади.

Бошқа ташкилотлар учун ушбу Низом талаблари тавсия тусига эга.

3. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**мукофот пули** — юридик хизмат ходимлари томонидан судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда юридик хизмат ходимларига бериладиган чораклик мукофот;

**ундирилган маблағлар** — судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан давлат органи ва ташкилотининг ҳисоб рақамларига ёки шахсий ғазначилик ҳисобварақларига тушган пул маблағи.

4. Юридик хизмат ходимлари томонидан ундирилган қуйидаги маблағлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мукофот пулини тўлашда ҳисобга олинади:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тўлиқ ёки қисман тан олинган даъволар бўйича ундирилган маблағлар;

ҳакамлик судининг қарорлари асосида ундирилган маблағлар;

фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари билан ундирилган маблағлар;

жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми билан ундирилган маблағлар;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ундирилган маблағлар;

нотариусларнинг ижро хатларига асосан ундирилган маблағлар;

бошқа ундирилган маблағлар.

**2-боб. Ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаш тартиби**

5. Юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланади.

Мукофот пули давлат органлари ва ташкилотлари фойдасига ҳал қилинган низолар бўйича давлат органи ва ташкилотининг ҳисоб рақамларига ёки шахсий ғазначилик ҳисобварақларига тушган умумий маблағлардан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳал этилган низолар бўйича ундирилган маблағларнинг бир қисми кейинги чорак давомида давлат органи ва ташкилоти ҳисоб рақамига ёки шахсий ғазначилик ҳисобварақларига тушган тақдирда, мукофот пулининг қолган қисми ушбу чорак якуни бўйича тўланади.

Мукофот пули маблағлар давлат органи ва ташкилоти ҳисоб рақамларига ёки шахсий ғазначилик ҳисобварақларига тушгандан сўнг тўланади.

6. Судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан юридик хизмат ходимларини мукофотлаш бошқа мукофотлар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар тўланишини истисно қилмайди.

7. Мукофот пулини тўлаш ҳақида буйруқ (фармойиш) чиқарилишига юридик хизмат раҳбарининг билдиргиси асос бўлади.

Штат бирлигида битта юридик хизмат ходими назарда тутилган ҳолларда мукофот пулини тўлаш ҳақида буйруқ (фармойиш) чиқарилишига ушбу ходимнинг билдиргиси ва унга илова қилинган давлат органи ва ташкилоти фойдасига ундирилган маблағни тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади.

8. Юридик хизмат томонидан ҳал этилган низолар бўйича маблағлар давлат органлари ва ташкилотлари ҳисоб рақамларига ёки шахсий ғазначилик ҳисоб рақамларига тушганлиги давлат органлари ва ташкилотлари бухгалтерияси ва/ёки маблағларнинг тушишини ҳисобга олиш вазифаси юкланган таркибий бўлинмалар (ходим) томонидан берилган маълумотнома асосида тасдиқланади. Бунда маълумотнома юридик хизмат раҳбарининг ёзма сўровига мувофиқ уч иш куни ичида берилади.

Штатда фақат битта юридик хизмат ходими назарда тутилган ҳолларда маълумотнома ушбу ходимнинг ёзма сўровига асосан берилади.

**3-боб. Мукофот пулини юридик хизмат ходимлари ўртасида тақсимлаш тартиби**

9. Мукофот пули юридик хизмат раҳбари томонидан юридик хизматнинг ҳар бир ходимининг иш фаолияти натижалари самарадорлигига қараб ҳар чорак якуни бўйича тақсимланади.

Мукофот пулини ходимларга тақсимлаш мукофот пулини тўлаш тўғри-

сида буйруқ (фармойиш) чиқариш учун юридик хизмат раҳбари томонидан бериладиган билдиргида кўрсатилиши лозим.

Агар мукофот пулини тўлаш тўғрисида буйруқ (фармойиш) чиқариш тўғрисида юридик хизмат раҳбари томонидан бериладиган билдиргида мукофот пулини ходимларга тақсимлаш тартиби кўрсатилмаган бўлса, мукофот пули юридик хизмат ходимларига тенг тақсимланади.

Давлат органи ва ташкилоти раҳбари давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан маблағ ундиришдаги хизматини инобатга олган ҳолда мукофот пулини юридик хизматнинг бир ёки бир неча ходимига тўлаш тўғрисида буйруқ (фармойиш) чиқаришга ҳақли.

Бундай ҳолларда мукофот пулини тақсимлаш юридик хизмат ходимига ундирилган маблағ ҳисобига мукофот пули тўлаш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш)да асосланиши лозим.

10. Мукофот пули тўғри ва ўз вақтида тақсимланишини назорат қилиш давлат органи ва ташкилот раҳбари томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

11. Низо белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилиши натижасида ундирилган маблағ қайтарилган тақдирда, юридик хизмат ходимларига тўланган мукофот пули белгиланган тартибда қайтарилиши лозим.

12. Юридик хизмат ходимларини мукофотлаш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
7-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 65-модда):

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади»;

б) иловада:

1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-банднинг биринчи хатбошидаги «беш йилда» деган сўзлар «уч йилда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбошидаги «беш йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Давлат бошқаруви» деган сўзлар «Давлат ва хўжалик бошқаруви» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25 ва 34-бандларнинг иккинчи хатбошидаги «беш йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан белгиланган юридик хизматларнинг асосий фаолият йўналишларига мувофиқ бўлиши керак».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарори (ЎР ҚТ, 2009 йил, 11-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низомнинг 11-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бошқарма ходимларига олдинги иш жойида унга берилган узоқ муддат ишлаганлиги учун устамалар ва лавозим маошларига қўшимча ҳақ, мартаба даражалари сақланиб қолади.

Бунда узоқ муддат ишлаганлиги учун устамалар ва лавозим маошларига қўшимча ҳақлар учун харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим бюджет ташкилотлари ходимлари баъзи тоифаларининг лавозим разрядларини белгилаш тўғрисида» 2013 йил 7 февралдаги 33-сон қарорида (ЎР ҚХТ, 2013 йил, 6-сон, 71-модда):

а) муқаддимадаги «,иқтисодчилари ва юрисконсультлари (юристар)нинг» деган сўзлар «ва иқтисодчиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги «, иқтисодчилари ва юрисконсультлари (юристар)» деган сўзлар «ва иқтисодчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «, иқтисодчилар ва юрисконсультлар (юристар)га» деган сўзлар «ва иқтисодчиларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) иловада:

иловининг номидаги «, иқтисодчилари ва юрисконсультлари (юристар)» деган сўзлар «ва иқтисодчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-банддаги «, юрисконсульт (юрист)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-банддаги «, катта юрисконсульт (юрист)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4-банддаги «, етакчи юрисконсульт (юрист)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

изоҳнинг 3-бандидаги «иқтисодчилар, юрисконсультлар (юристар)га» деган сўзлар «иқтисодчиларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 182-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 51-модда);

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори)» 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сон қарорига 1-илованинг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 9-сон, 66-модда);

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–342-сон Қонуни)» 2013 йил 7 декабрдаги 323-сон қарорига илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 88-модда);

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 июндаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари фаолиятининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 4 июндаги 149-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 6-сон, 43-модда).